БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 221 (19.297). ● 1985 йил 27 сентябрь, жума ● Баҳоси 3 тийин.

## ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚА СОВЕТ ЖАМИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Шонли сана Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари иттифоқининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларини ва улар орқали совет дўстлик жамиятларининг кўп миллионли активини, шунингдек мамлакатимизнинг чет эллардаги барча дўстларини самимий табриклаймиз.

Буюк Октябрь туфайли вужудга келган совет жамоатчилигининг бошқа халқлар билан кенг тусдаги дўстлик ва ҳамкорлик ҳаракати интернационализмнинг мустаҳкам ленинча принциплари, тинчлик ғоялари, миллий ва социал озодликнинг мустаҳкам негизида муваффақиятли ривожланмоқда. Бу ҳаракат мамлакатимизнинг халқаро алоқаларини кенгайтиришга, халқлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратишга фаол кўмаклашмоқда. 1925 йилда ВОКС — чет мамлакатлар билан маданий алоқа Бутун иттифоқ жамияти тузилганлиги бу йўлда муҳим босқич бўлди. Кейинчалик у Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари иттифоқига айлантирилди.

Бугунги кунда бу жамият оммавий ташкилот бўлиб, ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда унинг роли муттасил кучайиб бормоқда. Совет ижтимоий тузумининг демократизмини, совет кишиларининг бошқа халқлар билан тинчликда ва дўсликда яшашга интилишини ифодаловчи унинг фаолиятини Коммунистик партия билан Совет давлати ҳамиша қўллаб-қувватламоқдалар.

Биз чет эл дўстлик жамиятлари, миллионлаб дўстларимиз фидокорона ва беғараз ишларини юксак қадрлаймиз. Улар Советлар мамлакати тўғрисидаги ҳақиқатни, унинг тинчликсевар ташқи сиёсатини халқлар оммаси онгига етказмоқдалар, Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорликни кенгайтиришни ёқлаб чиқмоқдалар. Улар бундан буён ҳам совет жамоатчилигининг тўла ишончи ва қўллаб-қувватлашига амин бўлаверишлари мумкин.

Ер юзи узра ракета-ядро уруши хавфи кучайиб бораётган мураккаб ва кескин халқаро вазиятда Совет Иттифоқи империализм авж олдираётган қуролланиш пойгасига ва уни космосга ёйишга қарши кескин курашмоқда, воқеалар ривожини тинчлик ва ер юзидаги барча халқларнинг хавфсизлиги сари буриб юбориш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилмоқда. Давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва тинч-тотув яшаши, халқлар ўртасида кенг ва ҳолис ниятли алоқа йўли билангина бунга эришиш мумкин.

Сизларнинг фахрли миссиянгиз ҳам айни шу мақсадларга хизмат қилади. Халқларнинг тарихи, маданияти, кундалик ҳаёти билан танишув реакция кучлари зўр бериб барпо этаётган ишончсизлик ва шубҳа тўсиқларини бартараф этишга кўмаклашади, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик сари йўл очиб беради.

Совет дўстлик жамиятлари бундан буён ҳам чет элларнинг жамоатчилиги билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашлари, совет кишиларининг меҳнат ва маънавий турмушига, совет маданиятига, СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсатига, КПССнинг совет социалистик жамиятини янада такомиллаштириш борасидаги фаолиятига нисбатан ўсиб бораётган қизиқишни тўла қондиришлари керак.

Йиғилиш қатнашчиларига тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик манфаатлари йўлидаги олижаноб фаолиятида янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

## БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Ҳисобот ва сайлов йиғилишлари ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ҳаётида муҳим босқич ҳисобланади. Бу галги йиғилишларнинг аҳамияти шундаки, улар КПСС XXVII съезди арафасида, якунловчи йил, умуман ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик авж олган бир даврда ўтмоқда. «Ҳисобот-сайлов кампанияси партиянинг асосий потенциали бўлмиш бошланғич ташкилотлардан бошланади, — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида. — Бу ерда партия сиёсати реал ишларда мужассамлашади. Бу ерда бизнинг муваффақиятларимиз ва камчиликларимиз, имкониятларимиз ва резервларимиз, айниқса, яққол кўзга ташланади. Шу боисдан ҳам коммунистларнинг йиғилишларида бажарилган ишларнинг якунлари ленинчасига, сохта идеаллаштирилмай, қуруқ сафсатабозликсиз чиқарилиши... камчиликлар дадил очиб ташланиши, ишлаб чиқаришни ўстириш, экономика самарадорлигини ошириш, ишларни яхшилаш имкониятлари ва конкрет йўллари аниқланиши муҳимдир».

Коммунистлар ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ўз коллективларидаги ишнинг аҳволини чуқур таҳлил этишлари, партия ташкилотининг хўжаликка раҳбарлик соҳасидаги фаолиятига принципиаллик билан баҳо бермоқлари лозим. Урганч пиллакашлик фабрикасида партия ҳисобот-сайлов йиғилиши ана шундай руҳда ўтди. Йиғилиш қатнашчилари ташкилий ва идеологик ишлар, техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим проблемаларига эътиборни қаратдилар. Ҳисобот даврида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш коммунистларнинг авангардлигини ва масъулиятини ошириш учун кўп иш қилинди.

Йиғилишнинг қай тарзда ўтиши кўрилган тайёргарлик даражасига, жумладан, ҳисобот докладининг қандай тайёрланганлигига ҳам боғлиқ. Баъзан йиғилиш ўтгач, «кишилар музокараларда истар-истамай қатнашдилар», деган гаплар ҳам эшитилиб қолади. Хўш, нега шундай бўлади! Агар масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб борилса, ҳамма қусур докладнинг бўш ва саёз тайёрланганлигида эканлиги маълум бўлади. Ҳисобот докладлари шундай тайёрланиши кераккి, у ҳар бир коммунистни чуқур мулоҳаза юритишга ундасин, ютуқлар ва камчиликлар шунчаки эслаб ўтилмай, ана шу нуқсонларни юзага келтирган сабаблар рўй-рост очиб берилиши лозим. Агар партия бюроси ҳисоботни тайёрлаш вақтида хато ва камчиликларни қанчалик чуқур таҳлил этса, ана шундай руҳ йиғилиш охиригача давом этади. Коммунистлар музокараларда фаол қатнашиб ишни янада яхшилашнинг аниқ ва мувофиқ йўллари ҳақида конкрет таклиф ва мулоҳазалар билан чиқадилар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат интизоми ва тартибни мустаҳкамлаш, бошқаришни такомиллаштириш, йилни муваффақиятли якунлаш, кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифалари юзасидан нималар қилингани ва қилинаётгани доклад ва нотиқларнинг сўзларида танқидий руҳда ўз аксини топиши лозим. Барча хўжалик ташкилотлари, муассаса ва идоралар фаолиятида ленинча партиявий иш услубини жорий этишга эришиш тегишли ташкилот коммунистларининг энг муҳим вазифасидир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида кўриб чиқилиши зарур бўлган асосий ва муҳим вазифалар кўп. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида кадрлар билан ишлаш, уларни чиниқтириш, сиёсий ва иқтисодий билимини ошириш қандай аҳволда! Партия ташкилоти ҳисобот даврида партия аъзолигига қабул ва ёш коммунистлар билан ишлашни қандай олиб борди! Маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқидан тўла фойдаланиляптими! Омма билан алоқа мустаҳкамми! Социалистик мусобақага, касаба союз ва комсомол ташкилотларига раҳбарлик қандай амалга ошириляпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида Наманган область партия комитети мисолида бу вазифалар аниқ ва равшан кўрсатиб берилди.

Ҳисобот ва сайловларда партия қуйи бўғинларида ўтган йиғилишларда тўпланган тажрибалардан кенг фойдаланиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни қайта такрорламаслик чорасини кўриш даркор. Собир Раҳимов районидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида интизомсизлик, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш сустлиги алоҳида таъкидланган эди. Бу ерда 89 коммунист ҳисобот даврида меҳнат интизомини бузди. 6-қурилиш тресги, «Геологоразведка» заводи, 4-уйсозлик комбинатида коммунистлар билан ишлаш талаб даражасида эмас. Уларнинг таклиф ва мулоҳазалари билан ҳамиша ҳам ҳисоблашилмайди. Бу эса партия аъзоларининг йиғилишда суст қатнашишига, нутқларнинг қуруқ, саёз, ҳеч қандай таклифсиз бўлишига олиб келяпти. Ишлаб чиқариш участкаларига партиявий таъсирни кучайтириш эътибордан четда қолмоқда. Ана шу сабабли юздан ортиқ цех, участка ва бригада планларини мунтазам бажармай келаётир. Жойларда бундай аҳволнинг олдини олиш учун тегишли чора кўрилиши зарур. Айниқса, йиғилишларнинг партия ички демократияси ҳамда Устав талабларига қатъий амал қилинган ҳолда юксак савияда ўтишига эришмоқ керак. Унда дабдабабозлик, мақтанчоқлик, саёз фикр юритиш каби иллатларга йўл қўйиб бўлмайди. Аксинча, эришилган ютуқларга соғлом баҳо бериш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш, камчиликларни тугатишнинг конкрет ва асосий тавсияларини ишлаб чиқиш керак.

Баъзи бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов якунлари шуни кўрсатдики, қаерда йиғилишга пухта тайёргарлик кўрилиб, унга партия активи тўла жалб этилса, ўша ерда йиғилишлар барча коммунистларнинг фаол иштирокида қизиқарли ва самарали ўтади. Коммунистлар редакцияга ёзаётган хатларида худди ана шунга алоҳида эътибор беришни талаб қилаётирлар. Комсомолобод районидаги бир қатор бошланғич ташкилотларда эса аксинча иш тутилди. Район сув хўжалиги идорасида коммунистлар билдирган 18 та таклиф ва мулоҳазаларнинг биронтаси ҳам амалга оширилмади. «Комсомол», «Оқ олтин» совхозлари, «Госкомсельхозтехника» бирлашмасида партия аъзоларининг 15—10 процентигина йиғилишга тайёргарлик кўриш юзасидан конкрет топшириққа эгалар. Ана шундай воқеаларнинг олдини олиш учун партия комитетлари йиғилишларга тайёргарлик кўришда бошланғич ташкилотларга яқиндан ёрдам беришлари лозим. Коммунистлар билдирган танқидий фикр ва мулоҳазаларни, фойдали таклифларни синчковлик билан ўрганиш, умумлаштириш ва амалга ошириш муҳимдир. Бу айни пайтда партия аъзолари активлигини оширишга ҳам кўмаклашади.

Ҳисобот йиғилишларида партия коллективларининг сайлаб қўйиладиган органи шаклланади. Бу ғоят муҳим иш: партия ташкилоти раҳбарлигига сайланган коммунистларнинг етуклиги ва активлиги, уларнинг партия аъзолари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши партиявий ишнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини белгилаб беради. Шу туфайли партия бюроси ва комитет составига, секретарликка номзод кўрсатилаётган пайтда йиғилиш қатнашчилари бу масъулиятли вазифага энг муносиб ва қобилиятли коммунистлар тавсия этилишига эътибор беришлари зарур.

Бу галги ҳисобот ва сайловлар КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездига тайёргарликнинг таркибий қисмидир. У коммунистларнинг тарихий анжуманини муносиб кутиб олиш учун янги ижодий куч ва ғайрат бағишлайди. Бинобарин, коммунистларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётдаги активлигини янада ошириш, партия интизомини мустаҳкамлаш билан ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашда партия ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтиришга хизмат қилади. Шунга эришайликки, ҳисобот ва сайлов йиғилишлари барча партия ташкилотларида зўр уюшқоқлик ва юксак савияда, коммунистларнинг фаол иштирокида ўтсин.

*КПСС XXVII СЪЕЗДИГА—27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК*

# ТЕРИМДА ҲАР БИР КУН ҒАНИМАТ!

### ВЕТЕРАНЛАР ҲИММАТИ

◆ Москва районидаги «Ленинизм» колхозининг бир группа уруш ва меҳнат ветеранлари райондаги барча отахон ва онахонларга мурожаат қилиб, пахта йиғим-терими иштирокчиларига баҳоли-қудрат ёрдам беришга чақирдилар. 40 дан ортиқ ветеран этак боғлаб далага чиқди. Мақсудахон Деҳқонова, Каримахон Сотқинова, Рўзихон Жиянова каби онахонларнинг ҳар бири 50-60 килограммдан пахта термоқда.

Бу ташаббусга қўшилган райондаги Киров номли колхоз ветеранлари ҳам Хусанбой Ғойипов бошлиқ бригада пахтакорларига кўмакка чиқдилар. Мададкор звенолар «Победа», «Октябрь» колхозлари ва бошқа хўжаликларда ҳам иш бошлашди.

**У. САКСОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.**



ТОШКЕНТ. Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз пахтакорлари якунловчи йилда 2439 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 28,9 центнер ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтаришга аҳд қилишган. Шу кунларда хўжалик далаларида машина терими авж олиб кетди. КПСС XXVII съезди шарафига теримни 27 кунда амалга оширишга киришган бекободликлар дастлабки тонналарни Далварзин пахта тозалаш заводига топшира бошладилар. Ҳадемай терим суръатига суръат қўшилиб, пайкалларда ишлатилаётган «зангори кема»лар сони 50 тага етказилади ва ҳосилнинг 70 проценти улар ёрдамида териб олинади.

Суратда: меҳнат ветеранлари П. Бойтереков ва Ш. Умиров ўртоқлар механизаторлар бригадаси бошлиғи Р. Хушвақтов билан.

Б. Юсупов фотоси (ЎзТАГ).

### XXVII МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

#### МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Риштон районининг «Партия XXV съезди» колхози далаларида зарбдор комсомол-ёшлар отряди фидокорона меҳнат қилмоқда. 200 кишидан иборат ёшлар коллективи хирмонга кун сайин 10 тоннадан ортиқ хом ашё тўкяпти. Ҳар куни 110-120 килограммдан пахта тераётган Толибжон Ортиқов, Қозим Усмонов сингари теримчилар мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

#### ДЕНОВЛИКЛАР ЗАФАРИ

Денов райони пахтакорлари пландаги 5500 тонна ўрнига 6185 тонна ингичка толали пахта топшириб, йиллик топшириқларини бажардилар. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 37,6 центнерни ташкил этди. Эришилган ютуққа «Ғалаба» колхози заршунослари —1022 тонна, Генерал Раҳимов номли колхоз пахтакорлари — 883 тонна, «Октябрь 50 йиллиги» колхози «оқ олтин» ижодкорлари — 730 / тонна пахта топшириш билан катта ҳисса қўшдилар. Деновликлар давлатга яна 2000 тонна ипак толали хом ашё топшириш мажбуриятини олишди.

#### ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

ХОРАЗМ. Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг Тўлабой Саидабдуллаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига пахта топшира бошлади. Областда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чеккан ёш пахтакорлар 77 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,6 центнердан «оқ олтин» топширишга муваффақ бўлдилар.

АНДИЖОН. Комсомолобод райони далаларида 198 та терим машинаси ишлатиляпти. Уларнинг ҳар бири билан кунига ўртача 5—6 тоннадан «оқ олтин» терилаётир. «Партия XXIV съезди» совхозида «зангори кема»лар, қувватидан айниқса, унумли фойдаланилмоқда. Илғор механик-ҳайдовчи Равшан Исматуллаев ўтган куни ўз агрегати бункеридан 18 тонна дурдона тўкишга эришди. Машиналар шарофати туфайли совхозда кунига йиллик планнинг 5 процентига тенг пахта тайёрланаётир.

**СИРДАРЁ. Ўтган куни Сирдарё районидаги Ленин номли колхозда 18 та терим машинаси ёрдамида 71 тонна хом ашё тайёрланди. Юсуф Каримов ва Тўхтахон Зокирова каби механизаторлар 10—11 тоннадан пахта териб, хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар.**

### „ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 26 сентябрга бўлган

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 2,73 | 37,61 | 1,80 | 14,76 |
| Бухоро | 2,31 | 37,22 | 0,81 | 6,49 |
| Фарғона | 2,66 | 35,14 | 0,80 | 2,85 |
| Андижон | 2,05 | 27,74 | 1,02 | 3,65 |
| Наманган | 2,65 | 25,08 | 2,22 | 6,64 |
| Навоий | 2,28 | 23,46 | 1,70 | 5,85 |
| ҚҚАССР | 2,42 | 22,31 | 2,42 | 15,18 |
| Сурхондарё | 2,10 | 21,83 | 2,83 | 14,14 |
| Самарқанд | 1,99 | 19,36 | 1,68 | 8,53 |
| Тошкент | 2,93 | 15,53 | 3,59 | 12,06 |
| Қашқадарё | 1,13 | 13,06 | 0,94 | 5,53 |
| Жиззах | 0,88 | 3,02 | 1,06 | 2,50 |
| Сирдарё | 0,45 | 2,16 | 0,22 | 0,46 |
| Республика бўйича: | 2,04 | 22,15 | 1,59 | 7,45 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта | | | | |
| Наманган | 4,70 | 34,14 | — | — |
| Сурхондарё | 3,05 | 30,56 | 4,39 | 17,02 |
| Бухоро | 1,60 | 22,02 | — | — |
| Навоий | 0,79 | 13,45 | — | — |
| Қашқадарё | 0,44 | 4,73 | — | — |
| Республика бўйича: | 2,08 | 21,37 | 2,58 | 10,01 |

## Космонавтлар Владимир ЖОНИБЕКОВ ва Георгий ГРЕЧКО Ерга қайтиб тушдилар

*ТАСС ахбороти*

«Салют-7» орбитал илмий станцияси ичидаги ишларнинг навбатдаги босқичи тугади.

Владимир Жонибеков билан Георгий Гречко биргаликдаги тадқиқот ва экспериментларнинг белгиланган программаси бажарилгандан кейин 1985 йил 26 сентябрь куни Москва вақти билан соат 13 дан 52 минут ўтганда «Союз Т-13» кемасида Ерга қайтиб тушдилар. Владимир Васютин, Виктор Савиних ва Александр Волковлар «Салют-7» — «Союз Т-14» бошқарилаётган комплекс ичидаги ишни давом эттирмоқдалар.

«Союз Т-13» кемасининг туширилувчи аппарати Совет Иттифоқи территориясининг белгилаб қўйилган районида Жезқазғон шаҳридан 220 километр шимоли-шарқроқда ерга қўнди. Ерга қўнилгандан кейин космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Узоқ учиш давомида Владимир Жонибеков билан Виктор Савиних бажарган, шунингдек беш космонавт биргаликда ишлаган даврда бажарган тадқиқотлар ва экспериментларнинг материаллари ерга олиб тушилди. Олинган маълумотдан илм-фан ва халқ хўжалигининг турли тармоқлари манфаатлари йўлида фойдаланилади.

«Салют-7» станциясидаги узоқ давом этган тўртинчи экспедиция «Союз Т-13» кемасининг экипажи станция билан муваффақиятли равишда туташгандан кейин 1985 йил 8 июнь куни бошланган эди. Шундан кейинги учиш давомида Владимир Жонибеков билан Виктор Савиних мардлик ва юксак профессионал маҳорат кўрсатиб, станциянинг иш қобилиятини қайта тикладилар.

Космонавтлар илмий техникавий тадқиқотларнинг кенг программасини бажардилар, очиқ космосга чиқдилар ва қўшимча қуёш батареяларини ўрнатдилар.

Биринчи бор экипажнинг бир қисми алмаштирилди, бу тадбир одам бошқарадиган космик комплексни узоқ вақт мобайнида узлуксиз ишлатишни таъминлайди ва ундан илм-фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида фойдаланиш самарадорлигини анча оширади.

### ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ ҒАЙРАТИ

**НАМАНГАН. «Наманган» совхози механизаторлари Задарё районида биринчи бўлиб машина теримини бошлаб бердилар. Тоҳир Ҳамроқулов, Содиқ Бозоров ва Солижон Йўлдошевдан иборат терим звеноси аъзолари Абдулла Қораев бошлиқ бригада далаларида ишлаб, дастлабки куниёқ бригада планининг учдан бир қисмига тенг пахтани агрегатлар бункеридан тўкдилар.**

## ПРАКТИКА БИЛАН БОҒЛАНИШ— ФАННИНГ БОШ ЙЎЛИ

### Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилишидан

26 сентябрь куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг шу йил июнь ойида бўлиб ўтган кенгаши асосида илмий муассасаларнинг тадқиқот ва ечимлар самарадорлигини янада ошириш, республика олимларининг фан-техника тараққиётини тезлаштиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Республика Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси П. Қ. Ҳабибуллаев доклад қилди.

Докладда ва йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида уқтириб ўтилганидек, экономика барча тармоқларини интенсивлаш бугунги кунда республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналиши бўлиб қолди. Бу эса олимларнинг бугунги кундаги вазифаларини ҳам белгилаб беради, илмий муассасаларнинг фаолияти қатъий яхшиланишини, уларнинг ишлаб чиқариш билан алоқалари янада мустаҳкам бўлишини тақозо этади. Бултур Фанлар академиясининг муассасалари ва ташкилотлари тайёрлаган 238 та ечим халқ хўжалигига жорий этилди. Уларни жорий этишдан олинган иқтисодий самара 690 миллион сўмдан ошиб кетди, тадқиқотларга сарфланган ҳар бир сўм қарийб олти карра самара билан қайтди.

Аммо дейишди нотиқлар, бу нарса академиянинг чинакам имкониятларини акс эттирмайди. Тўла самара билан ишламаётган, фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга сезиларли реал ҳисса қўшмаётган институтлар ва ташкилотлар ҳам бор. Мустаҳкам илмий негизнинг йўқлиги, ҳозирги замон фанининг бош йўналишларини белгилаб берувчи молекуляр электроника, ген ва ҳужайра инженерияси, робототехника, информатика каби бир қанча соҳалари бўйича чуқур фундаментал тадқиқотлар етарлича ривожланмаганлиги бунинг асосий сабабидир. Иккинчи томондан олганда, бир қанча илмий бўлимларда халқ хўжалик практикасининг конкрет вазифаларини ҳал қилиб берадиган амалий тадқиқотларни ривожлантириш муҳимлигига етарлича баҳо берилмаяпти.

Бундай баҳо бермасликни тугатиш, барча энг муҳим йўналишлар бўйича илмий коллективларнинг самарали, собитқадам ишлашларини таъминлаш зарур, дейилди йиғилишда. Фундаментал тадқиқотлар илдам ривожланишини, улар бугунги илм-фан ва ишлаб чиқаришга революцион ўзгартишлар киритишга қодир бўлган принципиал янги хил материаллар, техника ва технология яратиш учун имкониятлар очиб берувчи, сифат жиҳатидан юксак даражада бўлишини таъминлаш керак. Пахта комплекси, ҳисоблаш техникаси ва робототехника учун, чиқитсиз ва энергияни тежайдиган технологиялар, маҳаллий ресурслар ва иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланиш учун янги машина ва приборлар ишлаб чиқишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг кенгашида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев қилган докладда айтилган тавсиялар ва кўрсатмаларга мувофиқ илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, унинг ташкилий-иқтисодий формаларини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Айни шундай мустаҳкам алоқанинг йўқлиги ниҳоясига етган ечимлар ишлаб чиқаришга жорий этилишини кўпинча тўхтатиб қўйиб, ўтказилган тадқиқотлардан юксак пировард натижаларга эришишга ҳалақит бераётганлиги уқтириб ўтилди. Илмий изланишларни мувофиқлаштиришни ҳамда олий мактаб ва тармоқ фанлари билан, ишлаб чиқариш коллективлари билан кооперацияни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Министрликлар ва идоралар билан бирга чиқариладиган фармойиш-буйруқларга мувофиқ, хўжалик шартномаларига ҳамда республиканинг меҳнат коллективлари, халқ хўжалиги тармоқлари ва саноат марказлари билан ижодий ҳамдўстлик тўғрисидаги шартномаларга мувофиқ комплекс халқ хўжалик программаларини ишлаб чиқишда академия институтлари ва муассасаларининг қатнашуви практикасини кенгайтириш борасида конкрет таклифлар киритилди.

Йиғилишда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик А. Л. Яншин нутқ сўзлади.

Умумий йиғилиш КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиёти масалалари юзасидан июнь ойида бўлиб ўтган кенгашда ўртага қўйилган тавсияларни амалга ошириш соҳасида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси белгилаган комплекс тадбирларни маъқуллади ва тасдиқлади.

Сайлов бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. Р. Рашидов республика Фанлар академиясининг вице-президенти қилиб сайланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ж. А. Мусаев республика Фанлар академиясининг бош илмий секретари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. М. Музаффаров республика Фанлар академияси президиумининг аъзоси, академия биология фанлари бўлимининг академик-секретари қилиб сайланди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. З. Заҳриддинов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

